

УДК: 528.578.1.047

ЕР КАДАСТРИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ЕР ФОНД ТОИФАЛАРИНИ
ШАКЛЛАНИШИННИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

т.ф.ф.д., (PhD) Юнусов Бегенч Мавланбердиевич

– Давлат кадастрлари палатаси бош мутахассис.

Аннотация. Ер ҳисобини тўғри замонавий усулларда юритиш ва, ер майдонларини тўлиқ хатловдан ўtkазиш ҳамда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, миллий ҳисботнинг ҳудудларда иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан мақолада фонд тоифаларининг шаклланиш асослари унинг ҳудудларда иқтисодий ривожлантиришга таъсири, ер кадастри тизимиининг элементларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш юзасидан маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Кадастр, давлат кадастрлари, ер фонд тоифалари, ер ҳисоби, кадастри тизими, ижтимоий-иктисодий барқарорлик, ҳудуд, самарадорлик.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬНОГО ФОНДА КАТЕГОРИИ ЭЛЕМЕНТОВ ЗЕМЕЛЬНОГО КАДАСТРА

Аннотация. Ведение земельного учета правильными современными методами, проведение полного учета земельных площадей и рациональное использование земельных ресурсов имеет большое значение в обеспечении экономической стабильности в регионах национального отчета. С этой точки зрения в статье представлены сведения об основах формирования категорий фондов, их влиянии на экономическое развитие регионов, развитии элементов системы земельного кадастра и их использовании.

Ключевые слова: Кадастр, государственные кадастры, категории земельного фонда, земельный учет, кадастровая система, социально-экономическая стабильность, территория, эффективность.

METHODOLOGICAL PRINCIPLES FOR FORMING THE LAND FUND CATEGORIES OF LAND CADASTRE ELEMENTS

Annotation Keeping the land account in the correct modern methods and carrying out a complete enumeration of the land areas and rational use of the land resources is of great importance in ensuring economic stability in the regions of the national report. From this point of view, the article provides information on the basis of formation of fund categories, its impact on economic development in the regions, development of elements of the land cadastre system and their use.

Key words: Cadastre, state cadastres, categories of land fund, land registration, cadastral system, socio-economic stability, territory, efficiency.

Кириш. Ер ҳисоби бўйича кенг инфратузилма тадқиқотларини ва ўрганилаётган ҳудуднинг иқтисодий ҳолатини ёдда тутиш талаб этилади. Шубҳасиз, ернинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ҳисобга олмаган ҳолда ердан унумли фойдаланиш ва ер участкаларини ажратиш имконсизdir. Назарий жиҳатдан бирон бир ҳудудда маълум бир фойдаланиш учун потенциал мавжуд бўлсада, уни амалга ошириш мураккаб бўлиши мумкин. Демак, ҳудуднинг экологик имкониятларидан ташқари, маълум бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларидан фойдаланиш керак. Бошқа томондан, инсонларнинг ердан оқилона фойдаланиш ер тўғрисида зарурий билимлари йўқлиги ер ресурсларидан фойдаланишнинг ҳамда бошқа фонд ерларининг янада ўзбошимчалик билан кенгайишига олиб келади. Ўзбошимчалик билан эгалланган ерлар қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерлар ҳисобига тўғри келмоқда, шу сабабдан қишлоқ хўжалиги ер турларининг ҳисобини олиш умуман олганда 8 та фонд тоифасини иқтисодий-хуқуқий жиҳатдан уларни ўрганиш, чегараларини аниқ белгилаб олиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 01 май янги таҳрирдаги Конституцияси 68-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин” дейилган аҳамиятлиси шундакий, ерга таалуқли модданинг жамият ва шахс учинчи бўлим, XII боб жамиятнинг иқтисодий негизлари бобида келтирилгани ҳам бежизга эмас[1].

Ер кадастри Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 28 августдаги “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни ва ушбу қонунга оид меъёрий хужжатлар, йўрикнома ва услубий кўрсатмалар асосида ер участкаларига бўлган хукуқларнинг кафолатларини таъминлаш, ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш учун кадастр маълумотларидан фойдаланишнинг хукуқий асосларини белгилашга қаратилган давлат тадбирлар тизими ҳисобланади. ер кадастрига доир ахборотларни бир тизимга солиниши уларни саклаш, таҳлил қилиш ва янгилаб туриш ишларини ҳам ўз ичига олади[2]. Ер кадастрини юритиш қўйидаги тамоилларга асосланилади:

мамлакат ер фондинн тўла қамраб олиш;

фазовий координаталарнинг ягона тизимини қўллаш;

ахборотлар ишлаб чиқиш методининг бирлиги ва ер кадастрига оид ахборотларнинг тўғри бўлиши.

Аввало ер миллий ҳисботи қўйидаги қонунлар ва қонун ости хужжатлар асосида юритилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августдаги “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги 666-I-сон Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Ер кодекси;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6061-сон Фармони;

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат солик қўмитаси хузуридаги кадастр агентлиги тўғрисидаги ҳамда кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 66-сон қарори;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги “Давлат кадастрларини юритиш соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-ҳукуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 389-сон қарори;

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 30 октябрдаги “Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисботни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 578-сонли қарори;

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Ер участкаларини жамоат эҳтиёjlари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 543-сон қарори[9].

Бунда ер фонди тоифаларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотларни Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳамда янги ўзлаштирилган ерлар тўғрисидаги маълумотларни Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармалари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимларига тақдим этади.

Ҳудудларда иқтисоднинг барқарорлиги ер кадастри маълумотлардан самарали фойдаланиш, аввало, уларнинг аниқ ҳисобини юритиш ва муносиб эгаларига беришга, аниқ фактларга асосланган давлат дастурига ҳам боғлиқ. Бу борада юртимизда бир қанча илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Айнан шу нуқтайи назардан ер кадастрини маълумотларининг аҳамияти ҳудудларни рувожланиш, табиат ва иқтисодиётнинг объектив қонунлари асосида ҳудудларни рувожланишининг зарурӣй элементи эканлигини изоҳлайди.

Кадастр тизимининг давлат бошқарувидағи ўрнининг муҳимлиги, унинг иқтисодиётга тасири борасида мавжуд масалаларни ҳар томонлама таҳлил ва илмий мушоҳада қилишининг зарурлигини, шунингдек Ўзбекистон Республиксининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши хусусиятларини назарда тутган ҳолда изланишлар олиб боришиңи тақозо қиласи.

Ер кадастри тизими бошқаришда маҳаллий услублар кўпроқ қўлланилмоқда, санаб ўтилган асослар айни пайтда ер кадастрининг ҳудудларни комплекс ривожлантиришга таъсири, айниқса унинг мустақил илмий билимлар тармоғи эканлиги нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги цикли тизимсиз эканлигини билдиради дейиши мумкин. Амалда ундан 100 карра иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.


Ер кадастри тизими ва уни гавдалантирувчи муносабатлар яхлитлик, унсур, тизимости, алоқалар, муносабатлар, тузилма ва бошқа тушунчалар билан узвий боғлиқдир. Ер кадастри маълумотларидан ер муносабатларини тартибга солишида, ердан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазифаларни ҳал этишда фойдаланилиши керак. Бундан ташқари тизим сифатида ерларни турларга ажратиш, фондларга бўлиш жойлаштириш, тақсимлаш масалалари ва уларни ташкил

қилувчи вошқа муносабатлар мавжудлиги, ер участкаларни рўйҳатга олиш каби мустаҳкам ягоналик ҳам характерлидир. Шу маънода мураккаб тизимларни, шу жумладан ердан фойдаланиш самарадорликни ҳам тадқиқ этишда тизимли таҳлил ва ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Шу нуқтаи назардан **1-расмда** ер кадастри тизими ва унинг элементлари ифодаланган, ушбу элементлар бир вақтнинг ўзида ҳам алоҳида ва ҳам ўзаро узвий боғлиқдир. Унга кўра, ер кадастрининг асосий тамойиллари, Ер миллий хисоботи шу жумладан, ерларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши ва худудларни ривожлантиришга таъсири бўйича ресурслар, жумладан, Табиий ресурс, Иқтисодий ресурс-капитал, Ерларнинг бозор қиймати, инвестиция ресурслари ер кадастри қонуниятлари иқтисодий, экологик, ижтимоий, рекреацион, ундан самарави фойдаланишни таъминлашнинг асосий жиҳатлари ер кадастрининг таркибий қисмлари жумладан ер хисоби, ер сиёсати ва уни амалга ошириш жумладан меъёрий-хукукий, ахборот-таҳлилий, ташкилий-ҳудудий, техно-экологик, ер кадастри маълумотларидан ер муносабатларини тартибга солишда, ердан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазифаларни ҳал этиш каби элементлар тизимни ташкил этувчилар сифатида ифодаланган. Ер кадастри тизими ер кадастрининг асосий тамойиллари, миллий хисобот, ер кадастрининг таркибий қисмлари ҳамда ер сиёсати ва уни амалга ошириш каби элементлардан ташкил топган. Унга кўра ер кадастрининг асосий тамойиллари таркибий қисмини шакллантириш, кадастри тизимининг самарадорлиги ва аниқлигини ифодалайди, бунда: республиканинг бутун ҳудудини қамраб олиш; фазовий координатларнинг ягона тизимини қўллаш; ер кадастрига доир ахборот ишлаб чиқилиши услубиётининг бирлиги ва узлуксизлиги; ер кадастри ахборотининг ишончлилиги ва тежамлилиги[4].

"YANGI O'ZBEKISTONDA TABIIY VA IJTIMOIY-GUMANITAR FANLAR" RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYASI

Volume 2, Issue 4, April 2024



1-расм. Ер кадастри тизими элементларининг схемаси.

Миллий ҳисобот кадастр тизимининг энг асосий элементиларидан бири ҳисобланади, ҳисботниң шаклланиши, ахборотларниң йиғилиши ва унинг таъсир доирасининг катталиги нүқтани назардан у ҳам икки йўналишга бўлинади, бунда худудларни ривожлантириш, Ерларниң тақсимланиши ва қайта тақсимланиши (2-расм).


Худудларни ривожлантиришга асос бўладиган Ҳуқуқий, Ташкилий, Рекреацион ҳамда экалогик ижтимоий иқтисодий йўналишларни ўз ичига олади., ўз навбатида иқтисодий ўсишнинг барқарор ривожланишида келтрилганидек табий ресурс, иқтисодий ресурс–капитал, ернинг бозор қиймати, инвестиция ресурслари хам ахборотлар билан тўлиқ маъмиланиши зарур. Шу билан бирга иқтисодий усишга ижтимоий ва экалогик масалаларнинг ҳам таъсири мавжуддир.

Ерларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши асосан Ерлар тоифалари ва турлари аро, Тармоқлараро, Худудлараро маълумотларнинг жамланмаси бўлиб миллий ҳисоботнинг тўғри шаклланишида, ундан тўғри фойдаланган худудларда

"YANGI O'ZBEKISTONDA TABNU VA IJTIMOIY-GUMANITAR FANLAR" RESPUBLIKA ILMUY-AMALIY KONFERENSIYASI

Volume 2, Issue 4, April 2024

иқтисодий усиш, озиқ овқат таъминотининг барқарорлиги чорвачилик, асаларичилик ва паррандачилик йўналишларнинг ривожланишига асосий пойдевор бўлиб ҳизмат қиласди.



2-расм. Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий хисоботни юритиш схемаси.

Миллий хисобот (ер баланси) ер кадастри тизимининг асосий бўгини хисобланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 30 октябрдаги “Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий хисоботни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ВМ 578-сон қарори билан ер хисоботини юритиш тартиби, ер хисоботи шаклларини тасдиқлаш, ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий хисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби, ер фонди тоифаларидаги ўзгаришларни хисобга олиш тартиби белгиланган. шу билан бирга ер хисоботига ўзгартиришлар киритиш, ерларни тоифаларга ажратиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш натижалари ваколатли давлат оргонларининг қарорлари асосида “Yer hisobot” ААТ га киритиб борилади[7]. Махаллий ижро этивчи ҳокимият оргонларининг ер ресурсларини ҳатловдан ўтказиш натижаларини тастиқлаш

тўғрисидаги қарорлари реал вақт режимида “E-qaror” электрон тизими орқали “Yer hisobot” ААТга тақдим этилади.

Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисобот қуйидаги 6 босқичда юритилади:

1. Давлат кадастрлари палатаси туман (шахар) филиаллари томонидан йил давомида ҳар бир туман (шахар)ларнинг маъмурий ҳудуди бўйича ер ҳисботини шакллантиради, ва ҳар йили 10 январга қадар ер ҳисботини тузади ва тастиқлаш учун “Yer hisobot” ААТ орқали туман (шахар) ҳокимликларига киритади.

2. Туман (шахар) ҳокимликлари ер ҳисботини кўриб чиқади тастиқлаш ҳақада ҳар йили 15 январга қадар “E-qaror” электрон тизими орқали қарор қабул қилиб, қарорни “Yer hisobot” ААТга киритади.

3. Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари йил давомида ер ҳисботини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маъмурий ҳудуди бўйича умумлаштиради ва ер ҳисботини тастиқлаш учун ҳар йили 20 январга қадар “Yer hisobot” ААТ орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига критади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ер ҳисботини кўриб чиқиб тастиқлаш ҳақида ҳар йили 25 январга қадар “E-qaror” электрон тизими орқали қарор қабул қилиб, қарорни “Yer hisobot” ААТга киритади.

5. Давлат кадастрлари палатаси ҳар йили 1 февралга қадар ер ҳисботини Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳудуди бўйича умумлаштиради ва ер есурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисботни тайёрлайди ҳамда 6. Кадастр агентлигига тақдим этади.

6. Кадастр агентлиги ер есурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисботни тузади ва 1 марта қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Олий мажлис палаталарига ва Вазирлар махкамасига тақдим қиласи ҳамда ер есурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисботни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштрилади[6].

Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисботда акс этадиган ахборотлар мамлакат ва мамурий-худудий бирликлар буйича ерларнинг микдори, ерларнинг тоифаларга булиниши, микдор ва сифат ҳолати ҳамда уларнинг баҳоси, тармоклар, ер

участкаларининг эгалари, ер участкасидан фойдаланувчилар, ер участкаси ижарачилари ва мулкдорлари буйича таксимланишидан иборат бўлади. Бу буйича Давлат кадастрлари палатаси хар йил якуни била ер ресурсларининг холати буйича миллий ҳисоботни ер ҳисоботи асосида тайёрлайди ва кейинги йилнинг 1 февралига кадар Кадастр агентлигига тақдим килади. Ўз ўрнида Кадастр агентлиги Ер ресурсларининг холати буйича миллий ҳисоботни урганади, тахлил килади ва хар йили 1 марта кадар Узбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Олий Мажлис палаталарига ва Вазирлар Махкамасига тақдим килади камда узининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

2024 йил 1 январдан бошлоб Коракалпогистом Республикаси Вазирлар Кенгashi раиси, вилоятлар Тошкент шахар хокимлари (шунингдек, туман (шаҳар)лар ҳокимлари) эгаллаб турган лавозимларидан озод этилганда тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари бир ой муддатда мамурий-худудий бирликлари буйича жорий йил 1 январ ҳолатига кура лавозимдан озод этилган хоким фаолияти даврида ер фонди тоифаларига киритилган ўзгартиришлар янги ўзлаштирилган ерлар буйича ер ҳисоботи маълумотларни тегишлича Коракалпогистом Республикаси Жукорги Кенгеси хамда ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашларига тасдиклаш учун тақдим этади[5].

Миллий ҳисоботда ер фонди тоифалари ва турларини ўзгартириш ҳамда ушбу ўзгаришларни ҳисобга олиш тартиби қўйидаги кетма-кетликда бажарилади:

- ваколатли давлат органларининг ер фондини тоифаларга ажратиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш қарорлари асосида «Yer hisobot» ААТга киритилади;
- ерларни тоифаларга ажратиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш ҳақидаги қарорлари тақдим этилган кундан бошлаб беш иш куни ичida “Yer hisobot” ААТга киритади; (*Ҳокимликларнинг қарорларини “E-qaror” тизими орқали “Yer hisobot” ААТга тақдим этади*)
- сугорилмайдиган ерларнинг Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда сугориладиган ерларнинг бошқа ер фонди тоифасига ёки сугорилмайдиган ерлар тоифасига ўтказиш эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида “Yer hisobot” ААТга киритилади;
- ер ҳисботини юритища ўтган йилги ер ҳисботининг якуний маълумотлари жорий йилда дастлабки маълумот сифатида қабул қилинади

- ер фонди тоифаларидаги йил давоми бўлган ўзгартиришлар ва хисобот шакллари ушбу Низомга 1-10-хисобот шаклларига мувофиқ юритилади;
- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар турларига йил давомида киритилган ўзгартиришлар ва янги ер ўзлаштириш тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўз аксини топади;
 - маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг розилиги билан кўп йиллик дов-дараҳтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дараҳт кўчатзорлари, мевазорлар) ташкил этилганда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидаги ерларнинг тури қишлоқ хўжалиги органларининг далолатнома ва хуносаларига асосан ўзгарилилади ПФ-5742-қарор асосида. (*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хуносаси, шунингдек, сугорилмайдиган ерлар ҳисобидан ташкил этилганда эса, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳудудий бошқармаларининг кўп йиллик дов-дараҳтларни фойдаланиши учун қабул қилиши тўғрисидаги далолатномаси талаб этилади*);
- ер ҳисботида фуқароларга деҳқон хўжалиги ва шахсий дала томорқа хўжалиги ҳамда жамоат боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун берилган ер участкаларининг умумий майдони ва улардан фойдаланувчиларнинг сони кўрсатилади;

Миллий ҳисботдан тўлиқ фойдаланишда ер фонди тоифаларининг аниқлиги ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерларининг барқарорлигига, аҳолини жойлаштириш аҳоли пункти ерларини ташкил этишда оптимал лойиха ишлаб чиқишига эришиллади шунингдек саноат, транспорт, соғломлаштириш ерлари, сув хўжалиги ерларида ер кадасрти малумотлари асосида буюджет маблағларини самарали бошқарига ортиқча сарф ҳаражатларнинг олди олиниб, пул тушумларнинг аниқ башаротлашга ва тушумларнинг ошишига эришиллади.

Ер кадастри тизимининг элементларидан бири бўлган ер кадастрининг таркибий қисмлари асосан ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни ижарага ёки мулк этиб олиш хуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек сервитутларни ва ушбу хуқуқларга доир бошқа чеклашларни ҳисобга олиш ҳамда ер миқдорини ҳисобга олиш, ер сифатини ҳисобга олиш каби қисмлардан иборат. Бу кадастри тизимини юритишида аҳолига ҳизмат кўрсатишни самарисини ошириш иштимоий соҳада ишончли мукум ўрин эгаллайди.

Ҳар бир давлатда унинг ташклот ва идоралари, вазирликлар махкамаларнинг ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқий-сиёсий ўрни мавжуд, шу нуқтани назардат кадастр тизимининг хам айнан шундай иктиносидий соҳасига иштимоий хам илмий институтционал соҳаларда ўз ўрнига эгадир. Тизимнинг такомиллишиши буни янада мустахкамлайди. Ер сиёсати ва уни амалга ошириш элементларнинг барқарорлиги кадастр тизимининг мавқейига таъсири бор унинг такибий қисмининг шакилланиши муҳим аҳамиятга эга.

Кадастр тизимида ер муносабатларини тартибга солиш асосий (бирламчи) ва жорий, бирламчи рўйхатдан ўтказида олинган маълумотлар ва давлат ер кадастрининг маълумотларини тузиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва ўзгартериш жараёнида олинган маълумотлар, ер тузиш ишлари, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш назорати, ернинг такрор ишлаб чиқариш цикли, фазовий-ҳуқуқий асос (ДҚЯТ), Ер мониторинги, Давлат ва жамоат экспертизаси, Ерларнинг экологик ҳолатини ячшилаш, Ерларни мелиорация қилиш, Ерлар эрозияси олдини олиш ва рекультивация қилиш ҳамда Ерлар унумдорлиги-ни такрор ишлаб чиқариш ва бўшқалар каби зарурӣ бўлимлардан иборатdir[3].

Бизнингча, ернинг юқоридаги хусусиятларидан ташқари шуни қўшимча қилишимиз зарур бугунги кундаги босқичда инновацион ривожланишининг устуворлиги бу, ерга бўлган мулкчилик шаклларнинг ўзгариши билан боғлиқ томонларни ҳам асослаш кераклиги талаб этилади. Чунки, биринчи навбатда иктиносидётни мавжуд талаблари асосида ислоҳ қилиш тақозо этилмоқда.

Ер қонуниятлари бу –ер кадастри тизимининг иктиносидий механизми ерни реализация этиш, унга эгалик қилиш ҳамда унимли фойдаланиш асосида рӯёбга чиқадиган ерларни бошқариш, улардан фойдаланишни ташкил этишни тартибга солувчи молиявий-иктиносидий чора-тадбирлардир.

Бизнингча, ер кадастри маълумотларидан фойдаланишни иктиносидий тартибга солиш ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда иктиносидий механизмнинг таркиби қисмини ўз ичига олади (**3-расм**). Унга кўра самарадорликни оширишда иктиносидий режа асосида ишларни амалга оширишда биринчи навбатда ерларни баҳолаш ва бозор нарҳини шакллантириш зарур, ғозирда айниқса шаҳар марказларида уй-жой нарҳига эътибор берсак, ерларнинг нарҳи устида қурилган бино ва иншоотлардан қиммат ҳисобланади. Масалан, Тошкент шаҳрида ўртача 100 минг

доллорга баҳоланган уй-жой олмоқчи бўлсангиз, унинг ерига нисбатан бино нархи 10 минг доллар атрофида, қолган 90 минг доллари ер участкаси учун айтилган нарх эканлигининг гувоҳи бўласиз. Шундай экан ернинг бозор нахини мувофиқлаштириб олиш зарур.

Иккичидан ер участкаларни хусусийлаштиришда иқтисодий меҳанизм назарий жиҳатдан ернинг ўзига ҳос хусусиятларидан ҳамда ерга бўлган мулкчилик муносабатлардан келиб чиқиб ерларни капиталга айлантириш усулларни хусусилаштиришда қўллаш зарур.

Учинчидан ер ресурсларини солиққа тортиш аввOLA ерларнинг қиймати бирламчи ва иккиламчи ижара, ер турларидан келиб чиқиб солиққа тортиш ҳозирда ер солиғи бўйича хужжатдаги майдон бўйича белгиланган солиқ қуммалари ундирилади, ортиқча эгалланган майдонларга 3 карра солиқ олинади бунинг қанчалик асосланганлиги ҳеч бир маънбада келтирилмаган. Шунинг учун кадастр идоралари билан биргаликда илмий асосланган ер солиғи ставкаларни жорий қилиш зарур.



3-расм. Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадолигининг иқтисодий механизми

Тўртинчидан ердан ижара шаклида фойдаланиш бунда ер ижарасини тўғри йўлга қўйилса ерларни иқтисодий механизмга айлантириш имконияти бўлади, ерларни алмашлаб экиш навбатлаб экишни тартибга солиш зарур. Алмашлаб экишда ерларни лойиҳалаб олиш керак, шунда қайси контурга нима экиш қанча микдорда сув бериш, қай тартибда агротехник ишларини бажарлишини олдиндан режалаштриш кирим чиқим маблағларини башоратлаш имконияти бўлади.

Бешинчидан бюджетдан молиялаштириш фермер ёки тадбиркор учун ерга пул тикиш ерларни молиялаштириш тўғри йўналтирилиши қишлоқ хўжалигини барқарорлаштиради масалан дунёдаги йирик тадбиркор Билл Гейтс АҚШдаги қишлоқ хўжалигининг катта қисмининг эгаси ҳисобланади чунки у қишлоқ хўжалигини молиялаштириш эвазига унинг барқарорлигига эришган, шундай экан узимизда ҳам иқлим шарайитига чидамли илмий асосланган мева сабзавотлар, озиқ овқат маҳсулотларини етиштириш зарур.

Олтинчидан узоқ муддатли (ипотека) кредитлашда ер ресурсларини баҳолаш учун ахборот базасини яратиш, биринчи навбатда, қуидаги қатор шартларни бажариш зарурати билан боғлик:

- ерларни баҳолаш ишларининг бутун тизими учун ягона ахборот базасини шакллантириш;
- баҳолаш ишлари ёндашувлари ва усулларининг базавий яхлитлигига асосланган ер ресурсларининг қийматини ялпи ва якка тартибда баҳолаш учун ахборот базасининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;
- ахборот базасидан оқилона фойдаланиш учун шароитлар яратиш, баҳолаш ишларининг харажатларини қисқартириш, улар самарадорлигини ошириш ва баҳолаш ишларини амалга ошириш муддатларини қисқартириш.

Баҳолаш ишларини амалга оширишни ривожлантириш ва кенгайтишнинг ҳозирги шароитида ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида ахборотга ишлов бериш ва баҳолаш ишларини амалга оширишнинг математик таъминотини жорий этиш масаласи ўта муҳим аҳамият касб этди.

Кадастр маълумотлари асосида баҳолаш тизими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ солиш мақсадида жисмоний шахсларга тегишли

бўлган кўчмас мулк обьектларининг, тураг жой фондининг кадастр қийматини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ВМ- 1043-сон қарори асосида кўчмас мулк гарови асосида ипотека киридитлаш методлари асосида капиталга эга бўлиш[8].

Еттинчидан ердан фойдаланишни инвестициялаш Бизнингча ҳазирги замон талабидан келиб чиқиб янги инвестиция модели сифатида қишлоқ хўжалиги ерларини танлаш лозим, чунки бундай ерларнинг бугунги дунё озиқ овқат танқислиги бўсоғосида турган айни пайтда самараси анча ёқори ҳисобланади. Шу йўл билан даромад олиш барқарорлашади худуд иқтисоди учун ресурс бўлади, қишлоқ хўжалиги ерлари ислоҳ қилинади инвестицилар сони кўпаяди. Мисол учун қишлоқ хўжалигига киритилган инвестиция сармояси орқали бутун дунёда соф озиқ овқат ресурслар этишмовчилигининг олди олинган бўлади ва бу инвестиция модели доимо барқарор муставил бўлади, қишлоқ хўжалиги инвестицияси учун хеч қандай инфилляция ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Ер кадастри ва унинг маълумотларидан фойдаланган холда иқтисодий самарадорликка эришиш бизнингча, бу жамият ва давлат ривожланишида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида, ер кадастри тизимининг айланмаси, уни кўп мақсадларда тасарруф этиш, эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш, бу муносабатларни тартибга солища содир бўладиган иқтисодий усишнинг тизимиdir.

Шуни таъкидлаш жойизкий, олиб борган ишлар сабабли баҳолаш, назарий томондан ер кадастрини кўпфункционал обьект ҳисобида ифодалош ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришда истиқболли режаларни аниқ белгилаб олиш зарур. Ерларни соликқа тортиш, хусусийлаштириш, кредит учун гаров таъминоти ва бошқа жараёнларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 01 май янги таҳрирдаги Конституцияси 68-моддаси.
2. Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 28 августдаги “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августдаги “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги 666-I-сон Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Ер кодекси.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 септември “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6061-сон Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат солик қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги тўғрисидаги ҳамда кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 66-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 30 октябрдаги “Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ВМ 578-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солик солиш мақсадида жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларининг, турар жой фондининг кадастр қийматини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ВМ- 1043-сон қарори.

9. www.lex.uz.